



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
QASHQADARYO VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
NODAVLAT NOTIJORAT TASHKILOTINI
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZISH TO'G'RISIDA**

GUVOHNOMA

2021 yil 12 aprel 440p-son

**O'zbekiston kasaba uyushmalari federatsiyasining
Qashqadaryo viloyat kengashi**

Faoliyat hududi: viloyatga oid
Tashkiliy-huquqiy shakli: jamoat birlashmasi
KTUT kodi: 04718852
STIR kodi: 201998549

Faoliyatining asosiy maqsadi: a'zo tashkilotlarning kasaba uyushmalari a'zolarini ijtimoiy-mehnat huquqlari, ishlab chiqarish, kasbiy, iqtisodiy va ijtimoiy manfaatlarini ifoda etish va himoya qilish borasidagi sa'y-harakatlarini birlashtirish va muvofiqlashtirish.

Qo'shimcha ma'lumotlar: ushbu tashkilot ilgari O'zbekiston kasaba uyushmalari federatsiyasining Qashqadaryo viloyat kasaba uyushmalari tashkilotlari birlashmasi nomi ostida 2016 yil 23 martda 440p-son bilan ro'yxatdan o'tkazilgan.

Boshqarma boshlig'i



O'. Ostanov



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
QASHQADARYO VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI

180100 Qarshi shahri, I.Karimov ko'chasi, 55-uy
Tel.: (998 75) 221-28-30, www.qashqadaryo.adliya.uz
el. pochta: qashqadaryo@adliya.uz qashqadaryo@minjust.gov.uz kash_adliya@exat.uz

2021 йил 12 апрель 7-10-6/881-сон

**Ўзбекистон касаба уюшмалари
федерациясининг Қашқадарё
вилоят кенгаши**

*Нусхаси: Қарши шаҳар Давлат
солиқ инспекцияси
(маълумот учун)*

Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг Қашқадарё вилоят кенгаши (КТУТ коди: 04718852, СТИР рақами: 201998549) 2021 йил 12 апрелда 440п-сон реестр рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилганлиги маълум қилинади.

**Бошқарма бошлиғи
ўринбосари**

Х. Насимов

2021 йил 12.07.2021 да
Қашқадарё вилоят Адлия
бошқармаси томонидан 4400 -
сон билан
«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

2021 йил 23 февралда
ЎКУФ Ижроия кўмитасининг
2-25 "с" - сонли қарорига
5-илова билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

**ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ**

НИЗОМИ

I. Умумий қондалар

1.1. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг (кейинги ўринларда “Федерация” деб аталади) Қашқадарё вилоят Кенгаши (кейинги ўринларда “Кенгаш” деб аталади) – Федерацияга аъзо ташкилотларнинг устав вазифаларини бажаришдаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, шунингдек, уларнинг умумий манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш, амалдаги қонунчилик доирасида ҳуқуқий қарорларини таъминлаш, қасаба уюшмалари аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасидаги Федерациянинг барча вазифаларини Қашқадарё вилоятида бажарадиган алоҳида бўлинмаси ҳисобланади.

Кенгаш айти вақтда Федерацияга аъзо ташкилотларнинг ҳудуддаги бўлинмалари ва бошланғич ташкилотлари (кейинги ўринларда «қасаба уюшмалари ташкилотлари» деб юритилади) бирлашмаси ҳисобланади, қасаба уюшмалари аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ишларини улар билан ўзаро ҳамкорлик, ҳамжихатлик ҳамда бирдамлик асосида амалга ошириш ва фаолиятларини мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилган.

Кенгаш давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади.

1.2. Кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Меҳнат ва Фуқаролик кодекслари, «Қасаба уюшмалари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ва бошқа қонунлари, Федерация Устави ҳамда мазкур Низом асосида амалга оширади.

1.3. Кенгаш Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Бош кенгашининг (кейинги ўринларда “Бош кенгаши” деб аталади) қарорига мувофиқ ташкил этилади.

1.4. Кенгаш ўз олдида турган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ўз аппаратини шакллантиради. Кенгаш аппаратининг тузилмаси ҳамда штатлар жадвали Федерация Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланади.

1.5. Кенгаш ва қасаба уюшмалари Республика кенгашларининг муносабатлари ўзаро ҳурмат, ишонч, Федерация олдида турган вазифаларни бажаришда яқиндан ҳамкорлик ва бирдамлик тамойиллари асосида қурилади.

1.6. Кенгаш ҳудуддаги барча қасаба уюшмалари ташкилотлари томонидан Федерация Устави талабларига риоя этилиши учун жавобгар ваколатли орган ҳисобланади.

1.7. Кенгашнинг номланиши:

ўзбек тилида: тўлиқ – Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилоят Кенгаши; қисқартмаси – ЎКУФ ҚВК;

рус тилида: тўлиқ – Кашқадаринский областной Совет Федерации профсоюзов Узбекистана; қисқартмаси – КОС ФПУ;

1.8. Кенгашнинг раҳбар органи жойлашган ери (почта манзили):
_____ Ўзбекистон Республикаси, Қарши шаҳри, _____ кўчаси, _____ -уй.

2. КЕНГАШНИНГ МАҚСАДИ

2.1. Кенгашнинг асосий мақсади ~~Федерацияга аъзо ташкилотлар~~ ҳудудий бўлинмаларининг устав вазифаларини бажаришдаги ~~вазифаси~~ ҳаракатларини мувофиқлаштириш, шунингдек, уларнинг умумий манфаатларини ~~ифода этиш~~ ва ҳимоя қилиш, амалдаги қонунчилик доирасида ҳуқуқий кафолатларини таъминлашдан иборатдир.

ЎЗБЕКИСТОН
ҚАВҚАЛАРИ БИЛАН
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН

2.2. КЕНГАШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари ҳаракатининг стратегия ва тактикасини ишлаб чиқишда қатнашиш, қасаба уюшмаларининг ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг самарадорлигини оширишга кўмаклашади;

уч томонлама ижтимоий мулоқот ва меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликни амалга оширишга ва ривожлантиришга кўмаклашади;

ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

меҳнатга, ижтимоий-иқтисодий масалаларга ва меҳнатни муҳофаза қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик назоратини амалга оширади;

ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ходимларнинг муносиб турмуши ва ижтимоий ҳимоясини таъминлайдиган шароитлар яратиш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, аҳолининг заиф қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

қасаба уюшмалари аъзолари, шунингдек, уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш тадбирларини ташкил этади;

маданият, туризм, оммавий жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини, санаторий ва курортларда даволаш, болаларни соғломлаштириш ва дам олдиришни ривожлантириш масалаларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, иш берувчилар ва фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ҳаракат қилади;

III. Кенгашнинг раҳбар органлари

3.1. Қуйидагилар Кенгашнинг раҳбар органлари ҳисобланади:

Конференция;

Кенгаш;

Кенгашнинг Ижроия кўмитаси;

Кенгаш раиси.

3.2. Конференция Кенгашнинг олий органи бўлиб, Кенгаш томонидан беш йилда камида бир маротаба чақирилади.

Конференция чақириш, вакиллик меъёри ҳамда тавсия этилаётган кун тартиби тўғрисида конференциядан камида 15 (ўн беш) кун олдин эълон қилинади.

3.3. Конференция ваколатига:

Кенгаш, шунингдек, тафтиш комиссияси аъзоларини ҳамда раисларини сайлаш, ҳудуддаги касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан тўғридан-тўғри вакил йўллаш усулида Кенгаш таркибига сайланган вакилларнинг ваколатини тасдиқлаш;

Кенгаш ва тафтиш комиссиясининг фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаш, уларни баҳолаш (тасдиқлаш);

Кенгашнинг узок муддатга мўлжалланган дастурий ҳужжатларини қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

белгиланган тартибда ва вакиллик меъёрига мувофиқ Федерация Курултойига делегатларни, Федерация Бош кенгаши таркибига вакилларини сайлаш, уларни чақириб олиш;

Федерация Устави ва мазкур Низомга зид келмайдиган бошқа масалаларни ҳал этиш киради.

3.4. **Кенгаш** конференциялар оралиғида раҳбар орган бўлиб, 5 йил муддатга сайланади.

Кенгаш бевосита конференцияда сайлаш ёки белгиланган меъёрга мувофиқ унинг таркибига касаба уюшмалари ташкилотларидан вакил йўллаш принципи бўйича шакллантирилади.

Федерация раиси таклиф этган кўпи билан икки нафар номзодлар тўғридан-тўғри Кенгаш аъзолигига киритилади.

Кенгаш мажлиси Кенгашнинг Ижроия кўмитаси қарорига мувофиқ заруратга қараб, лекин ҳар йили камида бир мартаба ўтказилади.

3.5. Кенгаш:

Ҳудуддаги касаба уюшмалари ташкилотларининг касаба уюшмалари аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги савий-ҳаракатларини бирлаштиради ва фаолиятларини мувофиқлаштириб боради;

давлат органларида касаба уюшмалари ташкилотлари ва аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади;

меҳнат, бандлик, маиший турмуш, соғломлаштириш, маданий-маърифий ва спорт ишлари, шунингдек бошқа масалалар бўйича тегишли идораларга таклифлар киритади ҳамда уларнинг ҳаётга татбиқ этилишига эришади;

аҳолининг турли гуруҳлари ва қатламлари турмуш даражасини ўрганади, аҳоли даромадлари ва халқ истеъмол моллари ҳамда хизматлар нархининг ўсиш индекси нисбатини тартибга солиш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

ҳудудда ижтимоий-иқтисодий инфраструктурани ривожлантириш режаларини шакллантиришда иштирок этади;

қонунчиликка асосан ҳамда Федерация томонидан белгиланган тартибда хайрия ва ҳомийлик фаолиятини амалга оширади;

ўз тасарруфидаги ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради ва раҳбарлик қилади;

Қашқадарё вилоят ялпи божкармаси
РУЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН

умумий мақсадлар йўлида Федерацияга аъзо ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

молиялаштириш Федерация томонидан амалга оширилган ҳолларда Федерация Ижроия қўмитаси томонидан маъқулланган касаба уюшмаси бюджетининг тегишли қисмини бошқаради ҳамда ишлаб чиқариш, хўжалик ва кунун билан рухсат этилган бошқа фаолиятдан тушадиган маблағларни Федерация Ижроия қўмитаси билан келишган ҳолда самарали ва мақсадли сарфланишини таъминлайди;

Федерация Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланган ижтимоий суғурта бюджети бўйича ишларни амалга оширади;

конференциялар оралиғида Кенгаш раисини сайлайди ва вазифасидан озод этади, Кенгаш таркибига касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан янги вакил этилганларнинг ваколатларини тасдиқлайди, Кенгаш аъзолари таркибини тўлдириб боради;

конференциялар оралиғида Федерация Бош кенгаши таркибидаги ўз вакилларини чақиртириб олади ва уларнинг ўрнига бошқа вакилларини сайлайди;

Кенгаш таркибидан чиққан ёки чиқарилган аъзоларни ўз таркибидан чиқаради;

Кенгашнинг Ижроия қўмитаси таркибини сайлайди;

Кенгашнинг Ижроия қўмитаси ҳисоботини тинглайди, касаба уюшмалари ташкилотлари ўртасида юзага келган касаба уюшмалари фаолиятига доир низоларни кўриб чиқади;

зарурат туғилганда касаба уюшмалари фаолиятининг турли йўналишлари бўйича комиссиялар тузади;

Федерациянинг раҳбар органлари томонидан қабул қилган қарорларнинг ижросини таъминлайди;

Кенгашнинг конференциясини чақиради, кун тартибини таклиф этади, делегатларни сайлаш тартиби ҳамда меъёрини белгилайди;

Федерация томонидан белгиланган тартибда мулкка эгаллик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш бўйича меъёрий ҳужжатлар қабул қилади;

Федерациянинг Устави ва мазкур Низомга зид бўлмаган бошқа масалаларни ҳал этади.

3.6. Кенгаш касаба уюшмалари ташкилотларининг касаба уюшмаси бюджети бўйича молиявий фаолиятини мувофиқлаштириб боради, шунингдек раҳбар органлари қарорларининг бажарилишини назорат қилиш доирасида ушбу масалада уларнинг фаолиятини ўрганиши ҳамда масалани Кенгаш ёки Кенгашнинг Ижроия қўмитаси муҳокамасига киритиши мумкин.

3.7. Кенгаш ижтимоий солиқ тушумлари ва касаба уюшмаси бюджетлари бўйича маблағларнинг тўлиқ тушиши ва мақсадли сарфланишини ҳамда Федерацияга ажратмалар ўз вақтида ва тўла ҳажмда ўтказилишини таъминлайди, бюджет ижроси бўйича ҳисоботларни тақдим этади.

3.8. Кенгашнинг Ижроия кўмитаси:

Кенгаш мажлислари оралиғида жорий масалаларни ҳал этиш учун Кенгашнинг Ижроия кўмитаси (кейинги ўринларда “Ижроия кўмита” деб аталади) сайланади.

Ижроия кўмита таркибига Кенгаш раиси, унинг ўринбосари (ўринбосарлари), Кенгаш томонидан сайланган бошқа аъзолар киради.

Федерация раиси таклиф этган кўпи билан икки нафар номзодлар тўғридан-тўғри Ижроия кўмита аъзолигига киритилади.

Ижроия кўмита мажлислари заруратга қараб, лекин ҳар чоракда камида бир маротаба ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
Қатқаров ёллот адлия бошқармаси
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН

3.9. Ижроия кўмита:

Кенгаш мажлисига муҳокама этиладиган масалалар юзасидан тегишли ҳужжатларни тайёрлайди ва кўриб чиқиш учун тақдим этади, қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши назоратини ташкил қилади;

касаба уюшмалари ташкилотларининг ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга оид талабларини давлат органларида қўллаб-қувватлайди, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонунчиликда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланади;

Кенгаш раиси ўринбосарини (ўринбосарларини) сайлайди,

Кенгаш номидан иш берувчилар бирлашмалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ходимларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳудудий келишув тузиш учун музокаралар олиб боради, келишув тузади ва уни амалга оширилишини назорат қилади;

белгиланган тартибда жамоа шартномалари лойиҳаларини экспертизадан ўтказиши, уларнинг бажарилишини таҳлил қилади ва ҳисобини юритади, касаба уюшмалари ташкилотларига бу борада амалий ёрдам кўрсатади;

ҳудуддаги давлат бошқаруви органлари, идора, ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўяди;

ҳудудда иш ҳақи, ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан бериладиган зарар тўловларининг ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назоратини ва мониторингини олиб боради;

ҳудудий меҳнат бозоридаги вазиятни таҳлил қилиб боради, янги иш ўринларини яратиш дастурига таклифлар киритади ва бажарилишини мониторинг қилади;

янги иш ўринлари яратилганлигига доир маълумотларнинг ҳаққонийлигини жойларга чиқиб ўрганиш ишларини мувофиқлаштириб боради;

ҳудудда иш ўринлари қисқартирилиши ёки корхоналар тугатилиши натижасида бўшатиб олинган ходимларга қўшимча моддий мадад чоралари берилиши назорат қилади;

яширин ишсизлик ва норасмий бандликни чеклаш борасида касаба уюшмалари ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатади;

қонун ҳужжатлари ва жамоа шартномаларида назарда тутилган ижтимоий ҳимоя чоралари қўлланилишини назорат қилиш ишларини ташкиллаштиради;

меҳнат муҳофазаси соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилади ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни ташкил этиш, бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўриш юзасидан иш берувчиларга талабномалар киритади;

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларига ҳудудда риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ташкил этади;

РУЙХАТДАН УТКАЗИЛГАН

касаба уюшмаларининг устав вазифалари доирасига кирувчи масалалар юзасидан жамоатчилик назоратининг барча шакллари (давлат органларига мурожаат қилиш, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик текшируви, жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ҳоказолар)дан фойдаланади;

касаба уюшмалари аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, касаба уюшмалари ходимлари ва фаолларини ўқитиш, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ўтказиш соҳасида иш олиб боради, ушбу масалаларда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан қўшма қарорлар қабул қилади;

янги ташкил этилаётган корхоналарни фойдаланишга қабул қилишда касаба уюшмалари вакиллари иштирокини таъминлайди, рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар рўйхатини шакллантиради, касаба уюшмалари Республика кенгашлари билан ҳамкорликда уларда ишловчи ходимларни касаба уюшмаларига жалб этиш чораларини кўради;

мулкчилик шаклидан қатъий назар, давлат ва хўжалик бошқарув органларининг ходимлар ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини камситувчи ва амалдаги қонунларга зид қарорларини бекор қилишга, ижросини тўхтатишга ва ўзгартиришга эришади;

касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, Кенгашнинг моддий-техник базасини кучайтириш, интитуционал ривожлантириш мақсадида Федерация билан келишган ҳолда бошқа давлатларнинг касаба уюшмалари, халқаро ташкилотлар, экологик ва бошқа фондлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, ҳамкорликда лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширишда иштирок этади;

Кенгашнинг молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширади, молиялаштириш Федерация орқали амалга оширилган ҳолларда Федерациянинг Ижроия кўмитаси томонидан маъқулланган касаба уюшмаси ва ижтимоий суғурта бюджети бўйича даромадлар ва харажатлар сметасини, мазкур бюджетлар ҳисобидан санаторийларга йўлланмаларни тақсимлаш режасини тасдиқлайди;

касаба уюшмалари ташкилотларига касаба уюшмалари ва бошқа тизимдаги санаторийларга йўлланмалар беради ҳамда болалар оромгоҳларининг тасдиқланган сметасига мувофиқ молиялаштиришда иштирок этади;

Кенгаш мажлисини чақиради, кун тартибини таклиф этади ҳамда уни ўтказиш вақти ва жойини белгилайди;

Федерациянинг Ижроия кўмитаси қарори асосида Кенгаш аппаратининг штатлар жадвалини тасдиқлайди;

касаба уюшмалари ташкилотларида касаба уюшмалари аъзоларини ижтимоий-иқтисодий манфаатларини, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, касаба уюшмалари ходимлари ва фаолларини ўқитиш, иш юритишни ташкил этиш, маданий ва маърифий тадбирларни ўтказиш ишларини мувофиқлаштириб боради, ўрганади, амалий ёрдам кўрсатади, зарур ҳолларда Ижроия қўмита мажлисида муҳокама этади;

касаба уюшмаларининг ўрта ва кўйи бўғин органлари раҳбарлари ҳамда ходимлари учун касаба уюшмалари Республика кенгашлари билан ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда ўқув-семинарлар ташкил этади;

Федерациянинг раҳбар органлари қарорларига мувофиқ касаба уюшмалари ташкилотлари учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқиши мумкин;

касаба уюшмалари кадрлари ва фаолларини Федерациянинг Фахрий ёрлиғи, нишонлари билан тақдирлаш, шунингдек давлат мукофотларига тавсия этиш тўғрисида таклифлар, тақдимномалар киритади;

Кенгаш ваколат берган бошқа вазифаларни бажаради.

3.10. Кенгаш раиси:

Кенгаш, Ижроия қўмита аъзоси ҳамда раиси ҳисобланади ва беш йил муддатга сайланади.

Кенгашнинг сайланма органлари ишига умумий раҳбарликни амалга оширади;

Ижроия қўмита белгилаган пул маблағларини тасарруф этади;

Кенгаш аппарати ходимлари билан меҳнат шартномасини тузади (ўзгартиради, бекор қилади), ходимларнинг функционал вазифаларини, бўлимлар тўғрисидаги Низомни тасдиқлайди;

Кенгаш аппаратининг фаолияти билан боғлиқ фармойишлар чиқаради;

Кенгаш аппарати ходимлари ўртасида ҳамкорликни таъминлайди, бўлимларда белгиланган тадбирларнинг бажарилишини назорат қилади;

Кенгаш аппарати ходимлари томонидан ижро интизомига риоя этилишини таъминлайди ҳамда назорат қилади, уларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилади, бажарилиши мажбурий бўлган қонуний фармойишлар чиқаради (оғзаки топшириқлар беради), Кенгаш номидан ишончнома беради;

тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари билан ҳудуд бўйича масъул ташкилотчи, Федерацияга аъзо ташкилотнинг ҳудудий бўлинмаси раҳбари лавозимига номзодларни келишади;

касаба уюшмалари Республика кенгашларининг ҳудуд бўйича масъул ташкилотчилари, Федерацияга аъзо ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари билан туман, шаҳар кенгашлари раислари лавозимига номзодларни келишади;

касаба уюшмаси ва ижтимоий суғурта бюджети маблағлари бўйича молиявий ҳужжатларга биринчи имзо қўювчи (кредит тақсимловчи) ҳисобланади ва уларнинг мақсадли сарфланиши учун жавобгар ҳисобланади;

унга ваколат берилган бошқа вазифаларни бажаради.

Куйидаги масалалар юзасидан Кенгаш аппарати ишини ташкил этади, белгиланган вазифаларнинг тезкор хал этилишини таъминлайди ва натижаси учун шахсан жавоб беради:

меҳнат, бандлик, ижтимоий муҳофаза, соғломлаштириш, маданият, спорт ва бошқа масалалар бўйича тегишли идораларга таклифлар киритиш, уларнинг амалга оширилишига эришиш;

зарур ҳолларда кадрларни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлашни иш берувчилар, тегишли идоралар раҳбариятидан талаб қилиш;

аҳолининг турли гуруҳлари ва қатламлари турмуш даражасини ўрганиш, аҳоли даромади, халқ истеъмоли моллари ва хизматлар нархи ўсиши индекси нисбатини тартибга солиш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

ҳудудда амалга оширилаётган умумдавлат манфаатларига тааллуқли ишларда, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда иштирок этиш;

муружаатларни кўриб чиқишни ташкил этиш ва назорат қилиш;

касаба уюшмалари аъзоларига юридик хизмат кўрсатиш;

корхона ва ташкилот ходимлари ўртасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ташкил қилишда Федерация аппаратининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими билан ҳамкорлик қилиш, уюшмалараро тадбирларни ўтказиш;

ҳудуддаги касаба уюшмалари ташкилотларига Федерация тизимидаги санаторийларга Санатор-курортлар бошқармасидан, шунингдек ўрнатилган меъёрларга амал қилган ҳолда корхона ва ташкилотлар тасарруфидаги санаторий ва дам олиш уйларида харид қилинган йўлланмаларни бериш ҳамда болалар дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини ташкил қилиш, молиялаштириш масалаларини ҳал қилиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳамда маданий дам олишларини ташкил этиш;

туман, шаҳар кенгашлари, Республика кенгашларининг масъул ташкилотчилари, Федерацияга аъзо ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари билан ҳамкорликда бошланғич ташкилотларда касаба уюшмаларига аъзолик бадаллари тушуми тўлиқлигини таъминлаш;

республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликни Кенгашнинг фаолияти тўғрисида хабардор этиш;

Федерация томонидан талаб қилинаётган ахборот ва ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш;

3.11. Кенгашнинг тафтиш комиссияси:

Кенгаш конференцияси томонидан Кенгашнинг ваколат муддатига тенг муддатга сайланади ва жамоатчилик асосида фаолият юритади;

ўз фаолиятида мустақил бўлиб, фақат Кенгаш конференцияси олдида ҳисобот беради.

Федерация Устави, мазкур Низом ва Кенгаш томонидан қабул қилинадиган Низомга мувофиқ фаолият олиб боради.

3.12. Кенгаш тафтиш комиссиясининг фаолияти Федерациянинг Назорат-тафтиш комиссияси томонидан бевосита мувофиқлаштирилиб ва йўналтирилиб турилади.

IV. Кенгаш конференцияси, Кенгаш ва унинг Ижроия кўмитаси, тафтиш комиссияси мажлисларининг тўла ҳуқуқли бўлиши, уларда қарорлар қабул қилиш ва овоз бериш шакллари

РҲҲАТДАН ҲТҚАЗИЛГАН

4.1. Кенгаш конференцияси делегатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этгандагина ваколатли ҳисобланади.

4.2. Кенгаш, Кенгаш ижроия кўмитаси, Кенгаш тафтиш комиссияси мажлислари ушбу сайланма органлар аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

4.3. Кенгаш конференцияларида, Кенгаш, Кенгашнинг ижроия кўмитаси, Кенгаш тафтиш комиссияси мажлисларида иштирок этаётган делегатлар ёки аъзоларнинг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган қарорлар қабул қилинган ҳисобланади.

Овоз бериш шакли (очиқ ёки яширин бўлиши) конференция делегатлари, сайланма органлар аъзолари томонидан белгиланади.

4.4. Кенгашнинг раҳбар органлари мажлисини бевосита йиғилиш кўринишида ўтказишнинг имкони бўлмаган ҳолларда, мажлислар видеокоференцалоқа ёки бошқа усулларда ўтказилиши мумкин, шунингдек қарорлар сўров йўли билан ҳам қабул қилиниши мумкин.

V. Кенгашнинг маблағлари ва мулки

5.1. Кенгаш маблағлари Федерациянинг тегишли органи қарорлари билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга асосан тушган, Федерация томонидан молиялаштирилган маблағлар, касаба уюшмалари ташкилотларидан тушган бадаллар, ижтимоий солиқ тўловларидан йўналтирилган, ишлаб чиқариш, хўжалик ва қонун билан тақиқланмаган бошқа фаолиятдан тушадиган маблағлардан ташкил топади ва унинг эгалик ҳуқуқисиз оператив бошқарувида бўлади.

5.2. Кенгаш амалдаги қонунчиликка биноан ва Федерация томонидан белгиланган тартибда ўзига тегишли маблағлардан фойдаланади ва тасарруф этади.

5.3. Кенгаш амалдаги қонунларда белгиланган тартибда ташки иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, суғурта ва акциядорлик жамиятларини, ўзига тегишли ва қўшма корхоналарини ташкил этиш, мақсадли жамғармаларни шакллантириши мумкин. Кенгашнинг даромадлари касаба уюшмалари ташкилотлари ўртасида тақсимланмайди ҳамда Федерация Уставида кўзда тутилган мақсадларга сарфланади.

5.4. Кенгаш касаба уюшмалари мулкига эгалик қилиш ва тасарруф этиш (мулкчилик шаклини ўзгартириш, сотиш, фойдаланишга ёки ижарага бериш, ҳадя этиш ва шу каби) масалаларини ҳал этишда фақат Федерациянинг Ижроия кўмитасини рухсати билан иш кўради.

5.5. Кенгаш Федерация билан келишилган ҳолда, ишлаб чиқариш, хўжалик ва қонун билан рухсат этилган бошқа фаолиятдан тушадиган маблағларни янги иш ўринларини яратиш ҳамда Федерация Устави ва мазкур Низомда белгиланган

вазифалар доирасида маданий-оммавий, спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш мақсадларига сарфлаши мумкин.

VI. Кенгашнинг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқлари

6.1. Кенгаш давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан юридик шахс ҳисобланади. У ўз муҳри, штамплари, бланклари ва банкларда ҳисоб рақамларига эга.

6.2. Кенгаш ўз бланкида Федерация рамзи тасвиридан фойдаланиши мумкин.

VII. Кенгашнинг ҳисоб ва ҳисоботи

7.1. Кенгаш ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юритади ҳамда рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органлари, шунингдек Федерацияга белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади.

VIII. Кенгашни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби

8.1. Кенгаш Федерация Бош кенгаши қарори билан тузилади ёки тугатилади ва уни қайта ташкил этиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

8.2. Кенгашни тугатиш ҳақида Федерация Бош кенгаши томонидан қарор қабул қилинган тақдирда, Федерациянинг Ижроия қўмитаси тугатиш комиссиясини тузади, шунингдек, кредиторлар талаби қаноатлантирилгандан сўнг қолган мулки Федерацияга ўтказилади.

8.3. Кенгаш фаолиятини тўхтатиш, шунингдек, Кенгашни тугатиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда суд томонидан амалга оширилиши мумкин.

IX. Яқуний қоидалар

9.1. Мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Федерациянинг Ижроия қўмитаси ваколатига киради.

9.2. Низомга киритилган барча ўзгартиш ва қўшимчалар белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказиш учун вилоят Адлия бошқармасига тақдим этилади.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари

Федерацияси раиси



Қ.Рафиқов

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги томонидан
**“ҚАЙТА ДАВЛАТ
РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ”**

2020 йил “18” ноябрда

№ 428-II



2020 йил 11 ноябрда
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг VIII Курултойида

“ТАСДИҚЛАНГАН”

**ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ УСТАВИ
(ЯНГИ ТАХРИР)**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси (кейинги ўринларда «Федерация» деб юритилади) – касаба уюшмалари томонидан ихтиёрийлик асосида тузилган бирлашмадир.

1.2. Федерация даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз аъзолари ўртасида тақсимламайдиган уюшма ташкилий-ҳуқуқий шаклидаги Бирлашма ҳисобланади.

1.3. Федерация ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар, шунингдек, Федерация таъсис шартномаси ва ушбу Устав асосида амалга оширади.

1.4. Федерация ўз тузилмаси, фаолиятининг мақсад, шакл ва услубларини белгилашда эркиндир, мустақил равишда ўз органларини шакллантиради ва штатдаги ходимлар аппаратини тузади.

1.5. Федерация ўзининг мақсад ва вазифаларига мувофиқ бошқа мамлакатларнинг касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилади, халқаро ва бошқа касаба уюшмалари бирлашмаларига, ташкилотларига аъзо бўлиб кириши ва аъзоликдан чиқиши мумкин.

1.6. Федерация ўз фаолиятида давлат органлари, иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек, фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

1.7. Федерация ўз фаолиятида, шу жумладан, молиявий фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан мустақилдир, улар олдида ҳисобдор эмас ҳамда улар томонидан назорат қилинмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

1.8. Федерациянинг номланиши:

ўзбек тилида: тўлиқ – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси; қисқартмаси – ЎКУФ;

рус тилида: тўлиқ – Федерация профсоюзозов Узбекистана; қисқартмаси – ФПУ;

инглиз тилида: тўлиқ – Federation of Trade Unions of Uzbekistan; қисқартмаси – FTUU.

1.9. Федерациянинг доимий фаолият юритувчи раҳбар органининг жойлашган ери (почта манзили): 100029. Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.



2. ФЕДЕРАЦИЯНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Федерация аъзо ташкилотларнинг устав вазифаларини бажаришдаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, шунингдек, аъзо ташкилотларнинг умумий манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш, амалдаги қонунчилик доирасида уларнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш мақсадида тузилган.

2.2. Федерация ўз мақсад ва вазифаларига эришиш учун қуйидагиларни амалга оширади:

- Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг стратегия ва тактикасини ишлаб чиқади, аъзо ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини оширишга кўмаклашади;

- уч томонлама ижтимоий мулоқот ва меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликни амалга оширишга ва ривожлантиришга кўмаклашади;

- Федерация, иш берувчиларнинг Республика бирлашмалари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида тузиладиган Бош келишувни, шунингдек, Федерацияга аъзо ташкилотларнинг манфаатларига жавоб берадиган бошқа келишувларни ишлаб чиқиш ва тузиш ташаббуси билан чиқади, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширишда иштирок этади;

- ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

- меҳнатга, ижтимоий-иқтисодий масалаларга ва меҳнатни муҳофаза қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик назоратини амалга оширади;

- ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ходимларнинг муносиб турмуши ва ижтимоий ҳимоясини таъминлайдиган шароитлар яратиш, гуманитар масалаларни ҳал этиш, аҳоли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

- касаба уюшмалари аъзолари, шунингдек, уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ишларини ташкил этади;

- маданият, туризм, оммавий жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини, санаторий ва курортларда даволаш боаларни соғломлаштириш ва дам олдиришни ривожлантириш масалаларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, иш берувчилар ва фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ҳаракат қилади;



- нашриётчилик фаолиятини олиб боради, ўз фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликни хабардор қилади, касаба уюшмаларининг ахборот хизматини ривожлантиради;

- Федерация тизимида маданият, дам олиш, туризм, спорт ва бошқа объектларнинг қурилишида буюртмачи бўлади ёки буюртмачи қилиб бошқа субъектни тайинлайди.

Федерация қонунчиликда белгиланган бошқа ҳуқуқларни ҳам амалга оширади.

2.3. Федерация касаба уюшмалари ташкилотларининг қуйидагиларга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштиради ва қўллаб-қувватлайди:

- миллати, ирқи, жинси, ёши ва диний эътиқодидан қатъи назар, касаба уюшмаси аъзосининг меҳнат қилиш, эркин иш ва касб танлаш, адолатли меҳнат шароитига ва ишсизликдан ҳимояланишга бўлган конституциявий ҳуқуқларига риоя этилишига;

- максимал даражада бандликнинг таъминланиши, даромадларнинг оширилиши ва мулкий табақаланиш даражасининг камайтирилишига;

- меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнат режимининг ижтимоий адолатли тизими жорий этилишига;

- ишлаб чиқаришни ривожлантириш даражасига мувофиқ ишловчиларнинг малакаси оширилиши ва касбий қайта тайёрланишига;

- меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш, меҳнатни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишига;

- давлат органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан меҳнаткашларнинг меҳнат, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқ ва манфаатларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, шунингдек, халқ фаровонлиги, ижтимоий барқарорлик ва юрт осойишталигини сақлаш борасида ўзаро ҳамкорлик олиб борилишига;

- меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик йўлга қўйилиши, жамоа музокараларининг ташкил этилиши, жамоа шартномалари ва келишувлари тузилиши, уларнинг бажарилиши устидан назоратнинг амалга оширилишига;

- ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, маънавий салоҳиятини юксалтиришга, оммавий спортни тарғиб этишга қаратилган маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этилишига, шунингдек маданият, жисмоний тарбия ва спорт иншоотлари, санаториумлар, профилактика марказлари, дам олиш уйлари, болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг моддий-техника базаси мустахкамланишига кўмаклашишга.



- ўз вакилларини Федерациянинг Бош кенгаши таркибига сайлаш, уларни чақириб олиш ва янгиларини сайлаш;

- Федерация органларига касаба уюшмалари фаолиятининг ҳар қандай масалалари бўйича муурожаат қилиш, тушунтириш ва ахборот олиш;

- фаолиятига доир ҳужжатлар лойиҳаларини Федерация органларига кўриб чиқиш учун киритиш;

- ўз вакиллари орқали Федерациянинг коллегиял органлари ишида иштирок этиш;

- ҳодимларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларига Федерациянинг таклифларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

- Федерация, иш берувчиларнинг Республика бирлашмалари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасидаги Бош келишув лойиҳасига ўз таклифларини киритиш ва Федерациянинг ушбу йўналишдаги фаолиятида қатнашиш;

- Федерациянинг турли хил дастурларини ишлаб чиқиш ва жамғармаларини тузишда иштирок этиш;

- Федерация мулкидан фойдаланиш ва уни бошқаришда иштирок этиш;

- касаба уюшмалари кадрлари ва фаолларини ўқитиш, ўз фаолияти учун зарур ахборот олиш ва тарқатишда Федерация имкониятларидан фойдаланиш, ўз вакилларини Федерация томонидан ўтказиладиган тадбирлар, ўқув семинарларига йўллаш;

- касаба уюшмаси ходимларини ва фаолларини Федерация нишонлари ва Фахрий ёрлиғи билан тақдирлаш тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар, шунингдек, уларни Давлат мукофотлари ва фахрий унвонларга тавсия этиш бўйича Федерация томонидан қўллаб-қувватлашни сўраб тақдимномалар киритиш.

3.10. Аъзо ташкилотларнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- Федерациянинг таъсис ҳужжатлари талабларини бажариш;

- Федерация фаолиятини қўллаб-қувватлаш, унинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда фаол иштирок этиш;

- Федерация органларининг мазкур Уставга мувофиқ қабул қилган қарорларини бажариш;

- Федерация, иш берувчиларнинг Республика бирлашмалари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида тузиладиган Бош келишувнинг бажарилишига кўмаклашиш;

- Федерация ва унга кирган аъзо ташкилотлар манфаатларини камситадиган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик;



- ўз уставлари ва раҳбар кадрлари таркибидаги ўзгаришлар, қабул қилинаётган қарорлар ва амалга оширилаётган ҳаракатлар ҳақида Федерацияни хабардор қилиб бориш;

- Федерация таъсис этган оммавий ахборот воситалари, унинг тасарруфидаги бошқа ташкилотлар фаолиятига кўмаклашиш;

- ўзлари бирлаштирган касаба уюшмалари аъзолари сони ҳақида маълумот, аъзолик бадалларини ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ молиявий ҳисобот, бошқа статистик маълумотларни норматив ҳужжатларда белгиланган шакл ва тартибда Федерацияга тақдим этиш.

3.11. Федерация органлари қарорларининг аъзо ташкилотлар томонидан бажарилмаслиги Федерация коллегиял органлари мажлисларида кўриб чиқилади, натижалари ва кўрилган чоралар ҳақидаги ахборот аъзо ташкилотларга юборилади.

4. ФЕДЕРАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ

4.1. Федерация ўз фаолиятини қонунийлик, ихтиёрийлик, камситишга йўл қўймаслик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш, тенг ҳуқуқлилик, ошқоралик ва очиқлик, адолат, коллегияллик, бирлик, бирдамлик, қуйидан юқоригача барча даражадаги касаба уюшмалари органларининг сайлаб қўйилиши, қарорлар қабул қилиш чоғида мунозара эркинлиги, озчилик фикрини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинган Федерация органлари қарорларининг аъзо ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурийлиги принципларига асосан амалга оширади.

4.2. Федерациянинг тузилмаси қуйидагилардан иборат:

- Аъзо ташкилотлар;
- Федерациянинг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари (кейинги ўринларда “худудий Кенгаш” деб юритилади);
- Федерациянинг штатдаги ходимлардан иборат аппарати.

4.3. Федерациянинг раҳбар органлари:

- Федерация Курултойи – Федерациянинг олий раҳбар органи;
- Федерациянинг Бош кенгаши (кейинги ўринларда “Бош кенгаш” деб юритилади) – Курултойлар оралиғида Федерациянинг доимий ҳаракатдаги коллегиял раҳбар органи;
- Федерациянинг Ижроия кўмитаси (кейинги ўринларда “Ижроия кўмита” деб юритилади) – Федерация фаолиятига жорий раҳбарликни амалга оширувчи коллегиял ижроия органи;
- Федерация раиси – фаолиятини яқкабошчилик асосида амалга оширувчи ижро органи.



Назорат-тафтиш комиссияси – Федерациянинг коллегиял назорат органидир.

4.4. Федерация Курултойи.

4.4.1. Федерация Курултойи беш йилда камида бир марта ўтказилади. Курултой Бош кенгаш қарори билан чақирилади. Уни чақириш, вакиллик нормаси ҳамда кун тартиби тўғрисида Курултой очилишидан камида икки ой олдин эълон қилинади.

4.4.2. Навбатдан ташқари Курултой Бош кенгаш ташаббуси билан ёки аъзо ташкилотларнинг камида учдан икки қисмининг талабига биноан чақирилади. Бош кенгашнинг наватдан ташқари Курултойни чақириш, вакиллик нормаси, кун тартиби тўғрисидаги қарори унинг очилишидан камида 15 (ўн беш) кун олдин эълон қилинади.

4.4.3. Курултой ҳужжатлари – қарорлар, резолюциялар, мурожаатномалар, баёноتلар, декларациялар шаклида қабул қилинади.

4.5. Курултой ваколатлари:

4.5.1. Курултой қуйидаги ваколатларга эга:

- Федерацияни қайта ташкил этиш, тугатиш ва фаолиятини тўхтатиш;
- Устав ва дастурий ҳужжатларни қабул қилиш, шунингдек, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- Федерация Бош кенгаши ва унинг Назорат-тафтиш комиссияси фаолияти ҳақидаги ҳисоботларни эшитиш ва уни тасдиқлаш;
- Федерация раисини, Бош кенгаш аъзоларини сайлаш, белгиланган квотага мувофиқ аъзо ташкилотлар ва ҳудудий Кенгашлардан тўғридан-тўғри вакил йўллаш принципига биноан сайланган Бош кенгаш аъзолари ваколатларини тасдиқлаш;
- Федерациянинг Назорат-тафтиш комиссияси таркибини сайлаш, унинг низомини тасдиқлаш;
- Федерациянинг Назорат-тафтиш комиссияси раисини сайлаш;
- касба уюшмалари ҳаракатининг стратегиясини белгилаш ва бошқа муҳим масалалар бўйича қарорлар, баёноتلар, мурожаатномалар қабул қилиш;
- Федерация мол-мулкига эгалик қилиш ва уни тўлиқ тасарруф этиш. Курултой оралиғида мол-мулкдан фойдаланиш, унга эгалик қилиш ва тасарруф этиш бўйича қарорлар Бош кенгаш, унинг мажлислари оралиғида эса Ижроия қўмита томонидан қабул қилиниши мумкин.

Ушбу банднинг 1-, 2- (Устав ва дастурий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишдан ташқари), 3-, ва 6- дефисларида қайд этилган масалалар Курултойнинг мутлақ ваколатига кирди.



4.5.2. Курултой конун хужжатларига зид бўлмаган бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.5.3. Курултой ўзининг мутлақ ваколатларига кирмайдиган масалалар юзасидан ваколатларни Бош кенгашга, Ижроия кўмитага, Федерация раисига бериши мумкин.

4.6. Федерациянинг Бош кенгаши. *u*

4.6.1. Бош кенгаш аъзо ташкилотлар ва ҳудудий Кенгашлардан тенг миқдорда – иккитадан вакилни тўғридан-тўғри йўллаш принципи бўйича шакллантирилади.

4.6.2. Вакиллари Бош кенгаш таркибига сайлаш, уларни чақириб олиш ва янгиларини сайлаш Федерацияга аъзо ташкилотларнинг Курултойлари, ҳудудий Кенгашлар конференциялари ёки раҳбар органлари мажлисларида амалга оширилади.

4.6.3. Бош кенгаш таркибига Курултойда сайланган аъзолар, шунингдек, лавозимига кўра Федерация раиси ва унинг ўринбосарлари киради.

4.6.4. Бош кенгаш мажлиси заруратга кўра, аммо бир йилда камида бир марта чақирилади.

4.6.5. Бош кенгашнинг ваколат муддати – беш йил.

4.6.6. Бош кенгашнинг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- Уставда белгиланган вазифаларни ва Федерация Курултойининг қарорларини бажариш бўйича фаолиятни амалга ошириш;


- Федерация мулкига эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш (Бош кенгаш мажлислари оралиғида мазкур ваколат Ижроия кўмита томонидан амалга оширилади);

- лозим бўлганда Федерацияга аъзо ташкилотлар томонидан ўтказиладиган аъзолик бадали миқдори, тўлов тартиби ва муддатини белгилаш;

- Курултой чақириб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Бош кенгаш аъзолари ва аъзо ташкилотлар раҳбарларининг Федерация органлари қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаш;

- аъзо ташкилот томонидан Федерация таъсис хужжатлари, унинг раҳбар органлари қарорлари бажарилмаган, аъзолик бадаллари ўз вақтида ва тўлиқ тўланмаган ҳолларда ушбу ташкилотга хизмат кўрсатишни тўхтатиш ва унинг вакиллари Федерациянинг коллегиял органлари мажлисларида овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аъзо ташкилотнинг тегишли сайлаб қўйиладиган органларига мазкур ҳолат юзасидан тегишли чоралар кўриш юзасидан мурожаат қилиш;



- Федерация тизимида ягона молиявий сиёсатни белгилаш ва мувофиқлаштириб бориш;

- аъзо ташкилотларнинг таклифлари асосида касаба уюшмалари картасини тасдиқлаш;

- Курултой оралиғида заруратга кўра ушбу Уставга ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш;

- Ижроия кўмитанинг сон таркибини белгилаш ва унинг аъзоларини Бош кенгаш ваколати муддатига сайлаш;

- Курултойлар оралиғида Бош кенгаш аъзоларини таркибдан чиқариш, сайлаш ва Бош кенгаш таркибига янги вакил этиб сайланган аъзоларнинг ваколатларини тасдиқлаш;

- Федерациянинг халқаро фаолияти стратегиясини белгилаш, унинг бошқа, жумладан, халқаро касаба уюшмалари бирлашмаларига аъзо бўлиши ва улардан чиқиши тўғрисида қарорлар қабул қилиш, Федерация ва аъзо ташкилотларнинг халқаро фаолияти принципларини белгилаш ва мувофиқлаштириб бориш;

- Федерацияга янги аъзо ташкилотларни қабул қилиш ёки уни аризасига асосан чиқариш Ижроия кўмита томонидан рад этилган ҳолларда мазкур ташкилотнинг апелляциясини кўриб чиқиш;

- Халқаро касаба уюшмалари марказларига Федерация вакилларини йўллаш;

- Федерация раиси ўринбосарларини, шу жумладан, биринчи ўринбосарини сайлаш ва лавозимидан озод қилиш (Бош кенгаш мажлислари оралиғида Федерация раиси ўринбосарларини сайлаш масаласи кейинчалик Бош кенгаш мажлисида тасдиқлаш шарти билан Ижроия кўмита томонидан ҳал қилиниши ҳам мумкин);

- зарурат туғилганда (жумладан, раис бошқа ишга ўтгани, саломатлиги ёмонлашгани, истеъфога чиққани туфайли ўз вазифаларини бажара олмай қолганда) Курултойлар оралиғида Федерация раисини лавозимидан озод қилиш ва янги раисни сайлаш (бунга зарурат бўлмаганда эса унинг вазифасини биринчи ўринбосар бажаради);

- Худудий кенгашларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш; ✓

- Устав талабларига зид бўлмаган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Бош кенгаш ўз фаолиятида фақат Федерация Курултойига 5 (беш) йилда камида бир марта ҳисобот беради.

4.6.7. Ўзининг айрим ваколатларини Ижроия кўмита, шунингдек, Федерация раисига бериши мумкин.

4.6.8. Бош кенгаш мажлислари Ижроия кўмита қарорига ёки Бош кенгаш аъзолари умумий сонининг камида учдан бир қисмининг талабига кўра чақирилади.



4.6.9. Бош кенгаш ҳужжатлари қарор, резолюция, баёнот ва мурожаатномалар шаклида қабул қилинади.

4.6.10. Бош кенгаш мажлисларини Федерация раиси, Федерация раиси иштирок этмаган ҳолларда эса Федерация раисининг биринчи ўринбосари, у ҳам бўлмаганда ўринбосарларидан бири олиб боради.

4.7. Ижроия қўмита.

4.7.1. Ижроия қўмита аъзолари Бош кенгаш мажлисида Бош кенгаш аъзолари орасидан сайланади.

4.7.2. Федерация раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимига кўра Ижроия қўмита аъзоси ҳисобланади.

4.7.3. Ижроия қўмита мажлиси заруратга қараб, аммо ҳар чорақда камида бир марта ўтказилади.

4.7.4. Ижроия қўмитанинг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- иш берувчиларнинг Республика бирлашмалари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб берувчи Бош келишув лойиҳасини тасдиқлаш;

- меҳнаткашларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларига доир масалаларни қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- касаба уюшмаларининг иш берувчилар томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шунингдек, жамоа шартномалари ва келишувлари талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини иш ўринларида амалга ошириш борасидаги фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириб бориш;

- Федерациянинг меҳнат инспекциясини тузиш ва касаба уюшмалари тизимида фаолият юритадиган меҳнат инспекцияларининг ягона Низомини тасдиқлаш;

- ижтимоий-иқтисодий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш, шунингдек, касаба уюшмалари ҳаракатига доир бошқа муҳим масалалар бўйича қарорлар, резолюциялар, баёнотлар, мурожаатномалар қабул қилиш;

- ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиядаги Федерациянинг мухтор вакиллари таркибини тасдиқлаш, комиссия билан ҳамкорлик қилиш;

- Бош кенгаш мажлисини чақириш, унинг кун тартиби ва ўтказиш жойи юзасидан таклифлар киритиш, муҳокама қилинаётган масалаларга оид



материалларни тақдим этиш, Курултой ва Бош кенгаш қарорларининг бажарилишини ташкил қилиш;

- Федерацияга янги ташкилотларни аъзоликка қабул қилиш, шунингдек, аъзолардан чиқиши масалалари бўйича қарор қабул қилиш;

- ўз ваколатлари доирасида аъзо ташкилотларнинг фаолиятига тегишли барча йўналишлардаги ишларини мувофиқлаштириш;

- аъзо ташкилотларнинг касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва йўналтириб бориш мақсадида тегишли бўлинмаларни тузиш, уларни молиялаштириш ва штатларни белгилашга доир муурожаатлари юзасидан тегишли қарор қабул қилиш;

- касаба уюшмаларининг санатор-курорт, спорт, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш, маданий-маърифий, кадрлар малакасини ошириш муассасалари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш;

- касаба уюшмалари ахборот фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш;

- Бош кенгашга Федерация раиси ўринбосарлари, шу жумладан, биринчи ўринбосарини лавозимидан озод қилиш тўғрисида таклиф киритиш;

- айрим кечиктириб бўлмайдиган (масалан, лавозимидан озод этиш ҳақида ариза берган, саломатлиги туфайли ўз вазифаларини бажара олмаган ва бошқа) ҳолларда Федерация раиси ўринбосарлари, шу жумладан, биринчи ўринбосарини лавозимидан озод қилиш;

- ҳудудий Кенгашлар тўғрисида Низомларни тасдиқлаш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- Федерация тасарруфида ташкилотлар таъсис этиш, уларнинг низомларини тасдиқлаш, қайта ташкил этиш, тугатиш, фаолиятларини мувофиқлаштириб бориш;

- Федерация аппарати тузилмасини тасдиқлаш;

- аъзо ташкилотлар, ҳудудий Кенгашлар, Федерация тасарруфидаги ташкилотлар тақдимида кўра касаба уюшмалари ходимлари ва фаолларини Давлат мукофотлари билан мукофотлаш ҳақида тегишли органларга илтимоснома киритиш;

- Федерация нишони, Фахрий ёрлиғи, Фахрий унвонларини таъсис этиш, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ва шунга муносиб деб топилган номзодларни тақдирлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- Федерацияга аъзо ташкилотларнинг сайлаб қўйиладиган раҳбарлик лавозимларига номзодларни таклиф қилиш;

- касаба уюшмасига аъзолик билетининг ягона шаклини, шунингдек, Федерация рамзини тасдиқлаш;

- касаба уюшмалари фаолиятининг барча йўналишлари бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;



- Федерация тасарруфидаги малака ошириш муассасаларида касаба уюшмаси кадрлари ва фаолларини ўқитиш борасидаги ишларни ташкил қилиш, мазкур муассасалар фаолиятини йўналтириш ва мувофиқлаштириб бориш;

- касаба уюшмаларининг ягона кадрлар стратегиясини белгилаш;

- Федерациянинг кўчмас мулки (бинолар ва иншоотлар) реестрини тасдиқлаш;

- Бош кенгаш мажлиси оралиғида Федерация мулкига эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш, шу жумладан, Федерацияга фойдаланиш учун бегараз берилган объектлардан фойдаланиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш ва тасдиқлаш учун Бош кенгашнинг навбатдаги мажлисига киритиш;

- Федерация тизимида маданият, дам олиш, туризм, спорт ва бошқа объектларнинг қурилиши, реконструкция қилиниши, капитал ва жорий таъмирланиши, жиҳозланиши бўйича қарор қабул қилиш;

- Федерациянинг касаба уюшмаси бюджети, даромадлар ва харажатлар сметаси, унинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш;

- соғломлаштириш учун ягона ижтимоий тўловдан ажратилган даромадлар ва харажатлар сметасини ва унинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш;

- молиялаштириш Федерация томонидан амалга оширилган ҳолларда ҳудудий Кенгашлар томонидан тақдим этилган касаба уюшмаси бюджети бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларини маъқуллаш;

- мазкур Уставда кўзда тутилган мақсадларга эришиш учун ўзи таъсис қилган ташкилотлар орқали тадбиркорлик, капитал қурилиш фаолияти ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги тижорат фаолиятларини олиб бориш;

- мурожаат қилинган ҳолларда ваколати доирасида Федерацияга аъзо ташкилотлар ўртасидаги низони кўриб чиқиш;

- Федерация тизимидаги ва бошқа ташкилотларга ҳомийлик ва молиявий ёрдам кўрсатиш юзасидан қарор қабул қилиш;

- касаба уюшмалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида касаба уюшмаларини қайта ташкил этиш ёки бирлаштириш юзасидан аъзо ташкилотларга таклифлар киритиш;

- Федерация тизимида ҳисобот-сайлов кампанияларини ўтказиш муддатларини мувофиқлаштирган ҳолда белгилаш;

- аъзо ташкилотлар томонидан ҳисоботлар топшириш тартиби ва даврийлигини белгилаш, иш режасига мувофиқ ёки заруратга кўра, Федерация аъзо ташкилотлари, Ҳудудий кенгашлар ва тасарруфидаги ташкилотларнинг фаолияти ҳақидаги ахборотларни тинглаш;



- касаба уюшмалари фаолияти йўналишлари бўйича вақтинчалик комиссиялар, ишчи гуруҳларни ташкил этиш;

- турли мақсадларга мўлжалланган Жамғармаларни тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

- Федерация аппаратининг тузилмаси, штатлар жадвали, бўлим ва бўлинмалари тўғрисидаги Низомларни ҳамда иш режасини тасдиқлаш;

- Федерациянинг Меҳнат инспекторлари томонидан тақдим этилган ахборотларни умумлаштириш ва ҳар йилнинг 1 майдан кечикмай Федерациянинг расмий веб-сайтида, зарур бўлган ҳолларда бошқа манбаларда эълон қилиш;

- Курултой, Бош кенгаш томонидан ваколат берилган бошқа вазифаларни бажариш;

- Федерация раисига ўзининг айрим ваколатларини бериш.

4.7.5. Бир йилда камида бир марта ўз фаолияти тўғрисида Бош кенгашга ахборот беради.

4.8. Федерация раиси.

4.8.1. Федерация раиси Федерацияга раҳбарлик қилади, бир вақтнинг ўзида Бош кенгаш ва Ижроия қўмита раиси ҳам ҳисобланади.

4.8.2. Федерация раиси этиб Федерацияга аъзо бўлган касаба уюшмасининг аъзоси сайланиши мумкин.

4.8.3. Федерация раиси Курултой томонидан 5 йил муддатга сайланади.

4.9. Федерация раисининг ҳуқуқ ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Федерациянинг Устав бўйича вазифаларини, шунингдек, Федерация органлари қарорларининг бажарилишини ташкил этади ва унинг олдида ҳисобдордир;

- давлат ҳокимияти органларининг, иш берувчиларнинг, улар бирлашмаларининг (иттифоқларининг, уюшмаларининг) очиқ ҳайъат мажлисларида Федерация номидан иштирок этади;

- Федерация номидан ишончномасиз иш кўради;

- Федерация раиси ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

- Бош кенгаш ва Назорат-тафтиш комиссиясининг қўшма мажлисларини ўтказди;

- зарур ҳолларда Федерация номидан баёнотлар беради, тегишли ташкилотларга мурожаатнома ва тақдимномалар юборади;

- ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда Федерациянинг иштирокини таъминлайди;



- белгиланган тартибда Федерация билан келишиш учун киритилган норматив ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имзолайди ёки ўз таклиф ва эътирозларини билдиради;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва иш берувчиларнинг Республика бирлашмалари билан ўзаро муносабатлар ҳақида келишувлар тузади, кейинчалик бу ҳақда Ижроия қўмитани хабардор қилади;

- белгиланган тартибда Федерация мулки ва унинг фойдаланишидаги мулкка эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишни ташкил этади;

- касаба уюшмаси бюджетининг ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга, маданий-маърифий, туризм ҳамда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ажратилган маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини ташкил этади, Федерациянинг молиявий хўжалик фаолиятини таъминлайди;

- ягона ижтимоий тўловлардан ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга йўналтириладиган маблағлардан мақсадли фойдаланишни ташкил этади ва назорат қилади;

- Федерация раиси ўринбосарларини сайлаш ёки лавозимидан озод этиш бўйича Бош кенгашга таклифлар киритади;

- Федерация томонидан таъсис этилган ташкилотларга умумий раҳбарликни амалга оширади;

- чет эл хизмат сафарига юборилувчилар номзодини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

- Федерация номидан ишончнома беради;

- Ижроия қўмита мажлисини чақиради, муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан мажлисга материаллар тайёрланиши юзасидан кўрсатмалар беради, қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилади;

- Бош кенгаш ва Ижроия қўмита қарорларини имзолайди;

- Федерация аппарати фаолиятига бевосита раҳбарлик қилади;

- мазкур Уставда белгиланган ваколати доирасида фармойишлар чиқаради;

- Федерация номидан хўжалик ва бошқа турдаги шартномалар тузади;

- Федерация органлари ваколат берган бошқа вазифаларни бажаради;

- ташкилотларнинг раҳбарларига ҳамда бошқа мансабдор шахсларига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритишга, шунингдек, ташкилотларнинг раҳбарларига мазкур қоидабузарликларга йўл қўйган шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимномалар киритишга ҳақли;



- лозим бўлганда кўриб чиқилиши шарт бўлган, ходимлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига тўсқинлик қилувчи ёки уларни чекловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, бундай ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш зарурлиги тўғрисидаги тавсиялар ва ёзма сўровлар юбориши мумкин;

- Федерацияга аъзо ташкилотларнинг сайлаб қўйиладиган раҳбарлик лавозимларига номзодларни таклиф қилиш ҳуқуқига эга;

- Федерация аппарати ходимлари, шунингдек, тасарруфдаги ташкилотларнинг раҳбарлари (агар уларнинг низомларида назарда тутилган бўлса раҳбар ўринбосарлари ва бош ҳисобчилари) билан меҳнат шартномаларини тузиш, ўзгартириш, бекор қилиш, уларга рағбатлантириш ёки интизомий чоралар кўриш тўғрисида ва бажарилиши шарт бўлган қонуний фармойишлар чиқариш ҳуқуқига эга;

- банк ва бошқа молиявий ҳужжатларга биринчи имзо қўйиш ҳуқуқига эга;

- ўзининг айрим ваколатларини ўринбосарларига, ҳудудий Кенгашлар раҳбарларига, шунингдек, тасарруфдаги ташкилотларнинг раҳбарларига бериши мумкин.

4.10. Федерациянинг Назорат-тафтиш комиссияси.

4.10.1. Назорат-тафтиш комиссияси Федерациянинг коллегиял назорат органи бўлиб, Федерация тизимидаги ташкилотларда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, Федерация Устави, Федерация органлари қарорлари ижросини текширади, тафтишдан ўтказди ва назорат қилади.

4.10.2. Назорат-тафтиш комиссияси ўз фаолиятида мустақил бўлиб, Курултой олдида ҳисобдордир.

4.10.3. Назорат-тафтиш комиссияси Бош кенгашнинг ваколат муддатига тенг муддатга Курултойда сайланади. Назорат-тафтиш комиссиясининг фаолияти Курултой қарорига кўра ёки Федерациянинг фаолияти тўхтатилган тақдирда тўхтатилади.

4.10.4. Ўз фаолиятида мазкур Устав ва Курултой томонидан тасдиқланадиган Назорат-тафтиш комиссиясининг Низомига амал қилади.

4.11. Федерация аппарати.

4.11.1. Федерация аппарати Федерация сайланма органларининг қарорларини амалга ошириш ҳамда Федерация раисининг топшириқларини бажариш мақсадида шакллантирилади ва доимий асосда фаолият юритади.

4.11.2. Федерация аппарати ўз фаолиятини Ижроия қўмита томонидан тасдиқланадиган регламент асосида амалга оширади.



4.11.3 Худудий кенгашлар Федерациянинг юридик шахс мақомига эга бўлган алоҳида бўлинмалари ҳисобланиб, тегишли маъмурий-худудий тузилмаларда Федерация манфаатларини ифодалайди, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширади.

4.11.4. Худудий кенгашлар Бош Кенгаш қарори билан тузилади ёки тугатилади ва ўз фаолиятини мазкур Устав ва Ижроия қўмита томонидан тасдиқланадиган Низом асосида амалга оширади. Худудий кенгашларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг раҳбар органларига доир нормалар, уларни ташкил этиш ва тугатиш тартиби ушбу низомда белгиланади.

5. ФЕДЕРАЦИЯ ОРГАНЛАРИ МАЖЛИСЛАРИНИНГ ТўЛА ХУҚУҚЛИ БўЛИШИ, УЛАРДА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ

5.1. Федерация Курултойлари уларга сайланган делегатлар умумий сонининг учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

5.2. Федерация Курултойи делегатларининг ваколатлари Ижроия қўмита томонидан тасдиқланади.

5.3. Бош Кенгаш ва Ижроия қўмита мажлислари аъзоларнинг ярмидан кўпи иштирок этганда тўла ҳуқуқли ҳисобланади.

5.4. Федерация органлари қарорлари, агар мазкур Уставда бошқа қоида белгиланмаган бўлса, қатнашаётган делегатлар ёки аъзоларнинг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берганда қабул қилинган ҳисобланади.

Овоз бериш шакли Федерация органлари аъзолари томонидан белгиланади.

5.5. Федерация органлари мажлисларида муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинади ва баённома расмийлаштирилади.

5.6. Федерация органларининг иш тартиби Ижроия қўмита томонидан тасдиқланадиган Регламент асосида белгиланади.

5.7. Зарур ҳолларда Федерациянинг Курултойи, Бош кенгаши ва Ижроия қўмитаси мажлислари видеоконференцалоқа тартибида ўтказилиши мумкин.

5.8. Тезкор равишда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар бўйича Бош кенгаш ҳамда Ижроия қўмита қарорлари уларнинг лойиҳаларига розилик белгиси (виза) қўйиш орқали, жумладан, электрон рақамли имзо, почта, телеграф, телетайп, факс, электрон ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда, сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

5.9. Навбатдаги Курултойни чақириш имконияти бўлмаган тақдирда (фавқулодда ҳолатлар, карантин эълон қилинганда ва бошқа узрли сабаблар) Федерациянинг сайланма раҳбар органларнинг ваколат муддати ўз-ўзидан узайтирилган ҳисобланади. Бу муддат бир йилдан ошиши мумкин эмас.

5.10. Мазкур Устав бўйича юқори турувчи орган қарор қабул қилиш давомида бўйсунув бўйича қуйи турувчи орган ваколатларига доир масалаларни ҳам ҳал этиши мумкин.



Юқори турувчи орган бўйсунув бўйича қуйи турувчи органнинг қонун ва мазкур Устав талабларига зид қарорларини қайта кўриб чиқиш учун тегишли орган ёки ваколатли шахсга юбориши, коллегиял органлар ваколатига доир масалалар юзасидан эса унинг навбатдан ташқари йиғилишини белгиланган тартибда чақириши мумкин.

5.11. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда қуйи турувчи органнинг қонун ва Устав талабларига зид қарорлари юқори турувчи орган томонидан қисман ёки тўлиқ бекор қилиниши мумкин.

6. МУЛК ВА МАБЛАҒЛАР

6.1. Федерациянинг мулки ва маблағлари аъзолик бадалларидан, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун ягона ижтимоий тўловдан йўналтирилган ажратмалар, қонунларда белгиланган тартибда тадбиркорлик, хўжалик ва бошқа фаолиятдан олинган, Устав мақсадларига йўналтирилувчи даромадлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий мулкӣ бадаллари ва ҳомийлик маблағлари, қонунда тақиқланмаган бошқа тушумлардан шакллантирилади.

6.2. Федерация қўшимча молиявий маблағларни ишлаб топиш ва келгусида улардан қасаба уюшмаси аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, қўшимча иш ўринлари яратиш учун фойдаланиш мақсадида, белгиланган тартибда ишлаб чиқариш, хўжалик, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириши, суғурта компанияси ва акциядорлик жамиятлари, мақсадли жамғармалар ва бошқа ташкилотларни ташкил этиши мумкин. Мазкур фаолиятдан тушган даромад аъзолар ўртасида тақсимланмайди ва Устав мақсадларига сарфланади.

6.3. Федерация мулки объектларига бинолар, иншоотлар, ер участкалари, механизмлар, жиҳозлар, транспорт ва техник воситалар, инвентар, маданий-маърифий, жисмоний тарбия, спорт ва соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган мулк, тураржойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, пул маблағлари, шу жумладан, чет эл валютасидаги пул маблағлари, қимматли қоғозлар, корхоналар ва хўжаликлар, оммавий ахборот воситалари, босмахоналар, санатор-курорт, дам олиш уйи, соғломлаштириш, спорт, ўқув муассасалари, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, интеллектуал мулк, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа мол-мулклар киради.

Федерация мулкининг шаклини ўзгартириш, тасарруф этиш масаласи қонун билан ўрнатилган тартибда, мазкур Уставда белгиланган ваколатлар доирасида Федерация органлари томонидан ҳал этилади.

6.4. Федерациянинг мулки дахлсиздир ва у қонун билан кўриқланади. Унинг мол-мулки национализация, реквизиция ва мусодара қилинмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.



6.5. Федерация мулкка нисбатан қонунга ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишга, жумладан, ҳомийлик ва молиявий ёрдам маблағларини ажратишга, ўз мулкни ажратиб беришга, мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсларга беришга, сотишга, мулкни гаровга қўйишга, ундан бошқача тарзда фойдаланишга ҳақли.

6.6. Федерация мулкни ишончли бошқарув учун бошқа шахсга (ишончли бошқарувчига) берилиши, мулкий ҳуқуқларнинг ўтишига асос бўлмайди, ишончли бошқарувчи Федерация манфаатларини ҳисобга олиб, мулкни бошқариши керак.

6.7. Федерация аъзо ташкилотларнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, шунингдек, аъзо ташкилотлар Федерациянинг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас.

6.8. Аъзо ташкилотлар Федерацияга берган мол-мулкига ва аъзолик бадалларига эгалик қилиш ҳуқуқини сақлаб қолмайдилар.

6.9. Федерациянинг асосий воситалари, пул, шу жумладан, чет эл валютасидаги пул маблағлари бўлмиш мол-мулки унинг тасарруфидаги ташкилотларга оператив бошқарув ҳуқуқи билан берилади ва Федерация ваколатли органининг розилигисиз сотилиши, ҳада қилиниши, бегараз берилиши ёки бошқача тарзда бегоналаштирилиши мумкин эмас.

7. ФЕДЕРАЦИЯНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ

7.1. Федерацияни қайта ташкил этиш, (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) ёки тугатиш тўғрисидаги қарор Федерациянинг Қурултойида қабул қилинади. Кворум мавжуд бўлган ҳолда Қурултойда қатнашаётган делегатларнинг камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берганда, қарор қабул қилинган ҳисобланади.

7.2. Федерацияни қайта ташкил этиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

7.3. Федерацияни тугатиш ҳақида Қурултой томонидан қарор қабул қилинган тақдирда Федерация Қурултойи қонунчиликда белгиланган тартибда тугатиш комиссиясини тайинлайди, шунингдек, кредиторлар талаби қаноатлантирилгандан сўнг қолган мулкни Федерация Уставига мувофиқ қайси мақсадга йўналтиришни белгилайди.

7.4. Федерация фаолиятини тўхтатиш, шунингдек, Федерацияни тугатиш қонунда белгиланган тартибда суд томонидан амалга оширилиши мумкин.

Федерациянинг фаолиятини давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, иш берувчилар ташаббусига кўра тугатишга йўл қўйилмайди.



7.5. Тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган орган давлат рўйхатидан ўтказувчи адлия органи билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди.

8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Федерация органларига, Федерациянинг сайлаб қўйиладиган лавозимларига сайлангани муносабати билан ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган шахслар, шунингдек, Федерация аппарати ходимлари билан меҳнат муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

8.2. Сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланган ходимлар билан ваколат муддатига меҳнат шартномалари (контрактлар) тегишли орган ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

8.3. Федерация ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юритади ҳамда рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади.

8.4. Федерация юридик шахс ҳисобланиб, ўз муҳри, штамп ва бланклари, банкларда ўз ҳисоб рақамларига (шу жумладан, миллий ва хорижий валютада) эга.

8.5. Федерация белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ўз рамзлари (тимсоли)га эга бўлишлари мумкин.


8.6. Федерациянинг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари Уставда белгиланган ваколатлар доирасида Федерация органлари ва мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

8.7. Устав қоидалари талқинини бериш Бош кенгашнинг, унинг мажлислари оралиғида Ижроия қўмитанинг мутлақ ваколатига киради.

8.8. Уставга киритилган барча ўзгартиш ва қўшимчалар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қайта рўйхатдан ўтказилади.

8.9. Мазкур Устав талабларини бажариш Федерация тизимидаги ташкилотлар учун мажбурийдир. Ушбу Устав қоидаларини Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига зид тарзда талқин қилиш мумкин эмас.

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси раиси


Қ.Рафиқов

